



Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 23 август сешанба № 35-36 (762-763)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Мустақиллик барча муваффақиятларимиз омили ва эртанги кунимиз истиқболдир



МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигининг ўтган йигирма йили яратиш ва бунёдкорлик руҳида кечди. Бу давр мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтиб, миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимиз пойдеворини қуриш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, она заминимизда тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлаш, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оиланинг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиш борасида қўлга киритилган ютуқлар бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

ЮРТИМИЗДА бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилди. Фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик жараёнларни жадаллаштириш, мамлакатни модернизациялашда, қонун устуворлигини таъминлаш ва энг асосийси, инсон қадр-қиммати, шаъни, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари дахлсизлигини кафолатлаш йўлида оламшумул ишлар амалга оширилди. Бу янгиланишларнинг туб моҳиятида Юртбошимиз таъкидлаганидек: **"ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун"** деган тамойил мужассам.

Бугун табаррук юртимизнинг қай гўшасига бор-

манг, янгиланиш ва ўзгаришларни ҳис этасиз. Кишлоғу шаҳарларимиз, маҳалла ҳамда кўчаларимиз тобора обод ва файзли бўлиб бормоқда. Бу ободлик халқимиз қалбига кўчган ўз келажагига ишонч, масъулият туйғуларидан бўлса ажаб эмас. Табиатан яратувчан, изланувчан бўлган халқимизда ободлик кўнгилдан бошланади, деган нақл бор. Маълумки, йигирма йил аввал — мамлакатимиз истиқлолга эришган илк кунлардаёқ халқимиз озод ва обод Ватанда ҳеч кимдан кам бўлмай умргузаронлик қилишни ўзининг энг олий мақсади этиб белгиллаганди. Бугунга келиб, бу борада эришилган ютуқларимиз мустақил-


лик меваси эканини теран ҳис этиб, умид билан истиқболга интиломоқда.

Ўтган давр мобайнида ислоҳотлар жараёни жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олди. Жамият ва давлат бошқарувини модернизациялаш ва янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда энг муҳим эътибор, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилди. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган туб ислоҳотларнинг қўламини кенгайтирди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимояси устувор аҳамият касб этди.

Ватанимиз дунё нигоҳида

Эришилган ютуқлар Ўзбекистонни дунёга намоён қилмоқда

— Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча ўзбекистонликларнинг қўлуг байрами арафасида юртимиз ҳақида қандай фикрлар айта оласиз? Байрам олдида халқимизга қандай тилаклар билдирасиз?



Солтан ПИРМУҲАМЕДОВ,
Дипломатик корпус дуайени,
Туркменистоннинг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

2011 йил 1 сентябрь қадимий, меҳмондўст, миллий байрамлар, анъана ва урф-одатларга, маданияти бой ўзбек замини, унинг бунёдкор ва иқтидорли халқининг янги тарихига яна бир шонли сана — Мустақиллигининг 20 йиллиги зарҳал ҳарфлар билан битилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Бу бежиз эмас. Негаки, Ўзбекистон раҳбарининг самарали саяё-ҳаракатлари, ташкилотчилик иқтидори, донолиги ва узоқни кўра билиши, порлоқ келажақ ва амалга оширилаётган бекиёс ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслигига қатъий ишонидиган ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббат ва у ҳақида доимо ғамхўрлик қилиши, ҳар бир ўзбекистонликнинг интеллектуал ва бунёдкорлик салоҳияти, уларнинг миллий етакчиси атрофида жипслашгани тўғрисида ушбу муҳим воқеа тинчлик ва барқарорлик шариоитида кенг ҳамда тантанали нишонланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу шонли байрам арафасида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, Туркменистон элчихонаси ва шахсан ўзим номидан кўп миллатли ўзбек халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги билан чин қалбдан самимий муборакбод этаман, дўст ўзбек халқига бахт-саодат, фаровонлик, тинчлик-тотувлик, равиқ тилайман.

Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу тарихан қисқа вақт ичида сийсий-дипломатик, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация ва ислоҳ қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, минтақавий ҳамда глобал хавфсизлик, тинчлик, барқарорликни таъминлашда эришилган улкан ютуқлар ривожланишнинг ўзбек модели самарадорлиги, келажақда мамлакатни ривожлантириш борасидаги улкан салоҳияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жаноби олийлари раҳнамолигида ҳуқуқий демократик дунёвий давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар нечоғли самара бераётгани, бу борада илгари сурилган, халқаро майдонда, шу жумладан, Мустақил, Бетараф Туркменистон томонидан кенг эътироф этилган ташаббусларни бутун дунёга намоён қилди.

Ўзининг самимий байрам табрикларим ва эзгу истакларини яна бир бор изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мустақиллик байрами кўп миллатли Ўзбекистонга буюк келажақ сари боришда янги куч ва илҳом бағишласин. Қадимий ва меҳмондўст ўзбек заминидан тинчлик-тотувлик, барқарорлик, фаровонлик абадий, осмоннинг эъмулло бўлсин!

Туркменистон ва Ўзбекистон, қардош ва дўст халқларимиз ўртасида чуқур илдиш отган азалий дўстлик ва қўшнчилик ришталари, бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверсин!

"Инсон ва қонун" муҳбири
Дилором МАТКАРИМОВА ёзиб олди.

Янги рукн: Қонун доирасида

Ноқонуний ҳар бир ҳолат

ОАВда очик ва ошкора

таҳлил қилинади

ҲУҚУҚИЙ демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартларидан бири қонунийлик тамойилига риоя этишдан иборат. Албатта, қонунийлик — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонун ҳужжатларининг ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш демакдир. Жорий **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"**да ҳам қонунийликни таъминлаш асосий ва долзарб вазифа эканлигини назарда тутиб, вазирлик ҳамда идораларнинг айнан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига доир қонуности ҳужжатларининг Конституция ва амалдаги қонунларга мувофиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Шу йилнинг 10 августидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги томонидан **"Вазирлик ва идораларнинг қонуности ҳужжатлари ҳамда ҳокимликларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қамситувчи қарорларини аниқлаш ва бекор қилиш, уларни қабул қилган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш борасида 2011 йилда қўрилаётган чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича**

дастур" имзоланди. 14 банддан иборат мазкур дастур доирасида давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш тартиби, буларни кенг жамоатчиликка етказиш амалиётига оид семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш режалаштирилган. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ёки бартараф этишга оид қарорларини танқидий нуқтаи назардан радио орқали бериб бориш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш

борасида амалга оширилаётган ишларни босма оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш кўзда тутилган.

Дастурнинг 9-бандига мувофиқ **"Инсон ва қонун"** ҳуқуқий газетасида янги рукн ташкил этиб, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби юзасидан тушунтиришлар бериб бориш ҳамда улар томонидан қонуний қарорлар қабул қилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни ёритиш вазифаси юклатилган. Демак, газетда яна бир янги рукн: **"Қонун доирасида"**. Мазкур рукн остида давлат органларининг мутасадди шахслари томонидан ноқонуний қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини чеклаш сингари салбий ҳолатлар, уларга нисбатан қўлланилган қонуний чоралар кенг ўқувчилар оммаси эътиборига ҳавола этиб борилади.

Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий тарғибот ва
ҳуқуқий таълим
бошқармаси

Тақдимот

Янги ўқув қўлланма чоп этилди

МАЪЛУМКИ, Юртбошимиз
томонидан жамиятда
ҳуқуқий маданият ва
ҳуқуқий таълимни янада
юксалтириш, етуқ ҳуқуқшу-
нос кадрларга бўлган эҳти-
ёжни қондириш, ҳуқуқий
одабиётларни сифат ва маъ-
мундорлигини ошириш
юзасидан адлия идоралари
олдида бир қатор муҳим
вазифалар белгиланган.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан тайёрланган **"Давлат ва ҳуқуқ асослари** фанидан олимпиадада иштирокчилари учун ўқув қўлланма" номли китобининг тақдими тга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда қатор вазирлик ва олий таълим муассасалари, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахбо-



рот воситалари вакиллари иштирок этишди.

"Адолат" нашриёти томонидан чоп этилган мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази,

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат тест марказининг **"Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасини ўтказиш тўғрисида"**ги қўшма буйруғида кўрсатилган талаб ва мезонлар асосида тайёрланганлиги мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Анжуманда 2011-2012 ўқув йиллари давомида мамлакатимизнинг барча ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари, академик лицейлар ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналарига ва ахборот ресурс марказларига ушбу қўлланманинг ёзма ва электрон шаклини жойлаштириш масалалари юзасидан кўрсатма ва тавсиялар ҳам берилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Мамлакатимиз истиқлолининг 20 йиллиги арафасида!

Мустақиллик барча муваффақиятларимиз омили ва эртанги кунимиз истиқболидир

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Бу, айниқса, адлия органлари тизимидаги ўзгаришларда яққол намоён бўлди. Тизим фаолияти жамият олдида турган муҳим масалалар нуқтаи назаридан такомиллаштирилди. Инсон ҳуқуқларини, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқармалар ташкил этилди. Қисқа қилиб айтганда, худди ривожланган демократик давлатларда бўлгани каби адлия органларининг жамиятда тутган мавқеини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, халқимизнинг адлия органларига бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Аҳолининг ишончига сазовор бўлиш, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Соҳа ходимлари ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганлигини чуқур ҳис этган ҳолда ишга ёндашмоқдалар. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг 1919 та шикоят, "Ишонч телефони"га келиб тушган мурожаатлардан 579 таси қаноатлантирилди.

Вазирлик ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ташкил этилиши ҳам соҳада ўтказилган ислохотлар самарасидир. Судларнинг том маънода мустақиллигини, уларнинг ижро ҳужжатлари бажарилишини сўзсиз таъминлашда мазкур тузилманинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 2 триллион 87,9 миллиард сўмлик 1 миллион 42 мингта ижро ҳужжатининг ижроси таъминланди, мажбурий тартибда 751,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Ўтган йиллар давомида Президентимизнинг қарорлари ва бошқа норматив актлар асосида департамент фаолияти такомиллаштирилиб, унинг ваколатлари, вазифалари кенгайтирилди. Департаментга хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари 1270 нафар штат бирлиги берилди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида Суд департаменти фаолиятининг самарадорлиги ошиб, суд ва бошқа органлар қарорларининг сўзсиз ижро этилишига эришилмоқда. Судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун капитал маблағ ажратилиш, судларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ислохотларнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасини янада либераллаштириш, фуқаролар манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш адлия ходимларининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма ййгилишида Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Концепцияда адлия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасида фикр ва мулоҳазалар билдирилган эди. Жумладан, давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган эди. Вазирлик тизимида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармасининг ташкил этилиши Концепцияда белгилаб берилган вазифаларнинг нафақат ижроси, балки ислохотлар жараёнида вазирлиқнинг масъулиятини янада оширишда жиддий қадам бўлди.

Маълумки, Адлия вазирлиги фа-

олияти қонун ижодкорлиги, унинг ижросини таъминлаш чораларини кўришни қамраб олади ва шу аснода у ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари билан бевосита ҳамкорликда ишлайди. Вазирлиқнинг қонун чиқарувчи ҳокимият билан ҳамкорлиги **"Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"**ги Қонуннинг 7-моддасида ифодаланган. Унга кўра, Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида қонун ижодкорлиги масалаларида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда мазкур фаолиятни услубий жиҳатдан йўналтириб туради. Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига биноан ва ўз ташаббуси билан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритиш, қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш вазирлиқнинг муҳим вазифалари сирасига кирида. Бу вазифалар ўтган давр мобайнида муваффақиятли бажариб келинмоқда. Хусусан, Адлия вазирлиги мустақиллик йилларида қонун ижодкорлиги соҳасида ўзига юклатилган вазифалар доирасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 15 та кодекс, 400 дан ортиқ қонун, 5000 га яқин ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир ярим мингдан ортиқ Фармон ва қарорлари, икки ярим мингга яқин идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида бевосита қатнашди ва уларнинг бир қанча лойиҳаларини тайёрлашда ишчи гуруҳларига раҳбарлик қилди.

Жумладан, ҳукуматимизнинг 1993 йил 20 майдаги фармойишига кўра Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, унга раҳбарлик қилиш Адлия вазирлигига юкланган эди. Мазкур кодекслар 1994-1997 йиллар давомида қабул қилинди. Улар ўз мазмун-моҳиятига кўра собиқ иттифоқ даврида амалда бўлган, тоталитар режимга хизмат қилган кодекслардан бутунлай фарқ қилиб, бозор иқтисодиётига ҳамда ҳуқуқий демократик давлат принципларига асослангандир. Адлия вазирлиги юқоридаги кодекслар билан бир қаторда **"Ижара тўғрисида"**ги, **"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"**ги, **"Мулкчилик тўғрисида"**ги қонунларни ва шу каби бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этди.

Вазирлик томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (янги тахрири), **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги (янги тахрири), **"Маъмурий тартиб-ботлар тўғрисида"**ги, **"Архив иши тўғрисида"**ги, **"Суд экспертизаси тўғрисида"**ги, **"Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи қонвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"**ги каби қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Президентимизнинг бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари тайёрланди.

Шу билан бирга, вазирлик мутахассислари Ер кодекси, **"Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги,

"Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги, **"Дехқон хўжалиги тўғрисида"**ги ва бошқа қўллаб қонунларнинг қабул қилинишида фаол қатнашди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатда ҳар йилга алоҳида ном бериб, маълум бир соҳа ривожига куч ва ресурсларни жалб этиш, шу орқали ислохот дастурларида белгиланган, халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, унинг манфаатига хизмат қиладиган муҳитни барпо этиш эзгу аънаъага айланди. Шу муносабат билан соҳа ходимлари қабул қилинадиган давлат дастурларини тайёрлаш ва уларнинг ижро этилишини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Хорижий ҳамкорлар билан сиёсий, иқтисодий, иқтисодий, маданий алоқалар йил сайин ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашда Адлия вазирлигининг зиммасида ҳам катта масъулият бор. Вазирлиқнинг ҳалқаро-ҳуқуқий соҳадаги фаолияти ҳақида гапирганда, биргина 2011 йилнинг 1-ярим йиллигида 165 та халқаро шартнома лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ **"Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтаришдаги соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни воёяга етказиш ва бахтини кўришидир. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирки ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шарафли яратиб беришдир"** деган эди. Бинобарин, Адлия вазирлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш масаласига жиддий эътибор бериб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига доир бир қатор демократик ислохотлар амалга оширилди. Ҳукуматимизнинг 2003 йил 27 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига асосан вазирлик тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди.

Адлия органлари ўз зиммасидаги вазифаларини бажариш асносида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолият кўрсатиб келаётган миллий институтлар билан ҳамкорлики мустаҳкамлаб бормоқда. Жумладан, 2005 йилнинг 28 сентябрь куни Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Адлия вазирлиги ўртасида "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги меморандум имзоланди.

2008 йил 27 октябрь куни эса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, мазкур соҳада фаолият юритувчи идораларнинг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириш мақсадида Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги ўртасида "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги келишув имзоланиб, бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 февралдаги фармойиши билан "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи" ташкил этилиб, Адлия вазирлиги мазкур гуруҳ раҳбари этиб белгиланган.

Мазкур вазифани бажариш мақ-

садида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси доимий равишда таҳлил этиб келинмоқда. Давлат органлари томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилишига оид мурожаатларини ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиш, ҳар бир аризининг ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда мониторинг ўтказилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг мавқеини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билимларини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб этиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани мутасадди органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари қатори Адлия вазирлиги зиммасига ҳам улкан масъулият юклади. Бу борада қабул қилинган қонунда давлати асосида адлия органлари томонидан тадбиркорлиқни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, амалга оширилмоқда.

Тадбиркорларнинг муаммоларидан ўз вақтида хабардор бўлиш ва уларни тезда ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида ҳудудий адлия органлари томонидан ҳокимликлар, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда ойига камида икки марта "Очик эшиклар куни" тадбирлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг фаолиятига ноконуний аралашувларнинг олдини олиш мақсадида вазирлик, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги адлия бошқармаларида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида "008" "Ишонч телефони" ташкил этилган. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ҳолатлар бўйича адлия органларига қилган мурожаатлари алоҳида назоратга олинди, тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, тадбиркорлик ва бозор муносабатлари ўз моҳиятига кўра, энг аввало, тарафлар ўртасидаги муносабатларга асосланади. Ушбу муносабатлар шартномалар асосида қонунийлаштирилади. Ижтимоий муносабатларни шартнома орқали тартибга солиш чуқур демократик моҳиятга эга бўлиб, бунда у, биринчидан, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигини, ўзаро манфаатдорлик ва манфаатлар мувозанатини, ҳуқуқ ва мажбуриятлар узвийлигини таъминлайди. 1998 йил 29 августда қабул қилинган **"Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонунга асосан адлия органларига шартнома тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳўжалик шартномаларини бажариш жараёнларини назорат этиш вазифаси юклатилган.

Ушбу вазифани бажариш мақсадида вазирлик органлари томонидан шартномаларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилиш назорат қилиниб, аниқланган камчиликларнинг қисқа муддатда бартараф этилиши таъминланмоқда, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, мажбуриятларнинг бажарилиши устидан мониторинг олиб борилмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг 1-ярим йиллигида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида 442 мингдан ортиқ шартноманинг тузилишида адлия органлари томонидан ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида нотариат институти ривожлантиришга катта эъти-

бор бериб келинмоқда. Ўтган йиллар давомида ушбу соҳанинг норматив-ҳуқуқий базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти шакллантирилди.

1996 йил 26 декабрда **"Нотариат тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши нотариат соҳасини ислоҳ қилишда алоҳида аҳамият касб этди. Нотариуснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда нотариал ҳаракатлар доираси кенгайтирилиб, уларни амалга ошириш тартиби такомиллаштирилди.

Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги **"Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"**ги Фармони нотариал идораларнинг самарали тармоғи тузилишига ва моддий-техник базаси мустаҳкамланишига олиб келди.

Юқоридаги Фармонни амалиётга татбиқ қилиш мақсадида 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шунингдек, Адлия вазирлигининг тегишли ҳужжатлари қабул қилинди.

Нотариат институти такомиллаштиришдаги асосий талаблардан бири нотариуслар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатилиши учун шарт-шароит яратишдан иборатдир. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 сентябрдаги фармойиши билан давлат нотариал органлари ва нотариал архивларнинг, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Истиқлол йилларида республикада оилага алоҳида эътибор қаратила бошлади. Шу муносабат билан оила муносабатларини тартибга солувчи ва ФХДЭ органлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари қайта кўриб чиқилди.

Оила кодексига илк бор никоҳ шартномаси институти, никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва бошқа қатор муҳим қоидалар акс этди.

Кейинги йилларда ФХДЭ органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари", "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқнома" ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2010 йил 14 сентябрдаги **"Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонунга асосан Оила кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартишлар киритилди.

Ҳозир мамлакатимизда 236 та ФХДЭ органи фаолият кўрсатмоқда.

Вазирлик томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамияти ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини туркумлаш бўйича қилинган ишлар ҳам эътиборга молик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги **"Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига кўра 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш жорий этилди ва ушбу вазифа Адлия вазирлигига юклатилди.

Бундан ташқари, ушбу қарорга биноан "Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган бўлиб, унга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан маҳаллий давлат ҳокимия-

ти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби юритиб келинмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги кунга қадар 5000 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олинган. Хусусан, 2011 йилнинг 1-ярим йиллигида ҳисобга олинган бундай ҳужжатлар сони 333 тани ташкил этди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нусхаларига мингга яқин ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги белгилар киритилди.

Маълумки, инсон ҳаётида ахборотнинг ўрни бекиёс. Давлатлар, миллатлар ўртасидаги интеграция жараёнлари, инсонлар ўртасидаги алоқалар кенгайиб, тезлашиб бораётган ҳозирги даврда ахборот олиш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Халқимизнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан "LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими ишлаб чиқилди. Бугунги кунга келиб, ҚҚММ базасига 22764 тадан ортиқ ўзбек ва рус тилларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киритилди.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатура институтининг алоҳида ўрни бор. Судларда тортишув таъминлини вужудга келтириш, тергов ва суриштирув даврида ҳимояланиш кафолатларини мустаҳкамлаш, шартномавий-ҳуқуқий, фуқаролик муносабатларини ишончли юридик хизмат билан таъминлашда адвокатура муҳим ўрин тутди. Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонига асосан тизим фаолияти янада такомиллаштирилди. Натижада адвокатуранинг жамиятдаги мавқеи кўтарилди. Суд ва бошқа ҳуқуқий жараёнларда унинг иштироки фаоллашиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг яна бир самарали механизми вужудга келди. Ҳозир 3318 нафар адвокат фуқароларга юридик ёрдам кўрсатаётгани фикримиз исботидир.


Бир сўз билан айтганда, Адлия вазирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, жинсий жазо тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимояси билан боғлиқ қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари бажарилишини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишига, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этиладиган фуқаролик жамияти барпо этилишига хизмат қиладди. Шулай эдида истиқлолнинг йигирма йиллик тантаналарига тайёргарлик қўриш ва байрам тадбирлари "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" деган шир остида ўтказилмоқда. Юртимизнинг ўтмиши, бугуни ҳамда келажакнинг самимий ва ҳаққоний ифодаси бўлган ушбу шир ҳар гал жарағланганда, ана шундай юртнинг фарзанди эканимиздан, ана шундай халққа хизмат қилаётганимиздан қанчалик гурурлансанк, бунинг масъулиятини шунчалик чуқурроқ ҳис этамиз. Шундай экан, мустақиллики мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш, юртимиз тарқиқетини таъминлаш, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдек эзгу ишлар асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Нигматилла йўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазир

Назар Бахт қуёши аввало оилада...

хар биримизнинг қалбимизда нур
сочса, жамият ҳам қароғон бўлади

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ йигирма йиллик даври давомида оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш мақсадида изчил ислохотлар амалга оширилди.



БИР ҚАТОР вазирликлар, хусусан, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими ва бошқа вазирликларнинг асосий вазифаси сифатида никоҳни қайд этиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, оила, она ва болага тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурини амалга ошириш кабилар белгиланди. Шу мақсадда 1998 йилда Республика "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш бўйича турли чора-тадбирлар белгиланди.

Оилани ижтимоий иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритилиб, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, уй-жой қуриш, рўзгорни бутлаш учун тижорат банклари томонидан ипотека ва истеъмо кредитлари ажратилиб, уларга бепул қорамол ажратилди, оилаларга томоҳқа берилди.

Бизнинг оила маросимлари марказимизда ҳам йўналишимиздан келиб чиқиб қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Барчамизга маълумки, оила мустақамлигини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Шу маънода Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги Фармони ижросини таъминлаш натижасида оилада соғлом, маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Бунда фуқаролар ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлиmlари ҳам фаол қатнашиб, жойларда соғлом оилани шакллантириш, оила-никоҳ масалалари бўйича қонунчилик нормаларини тушунириш ва уларга риоя қилиш бўйича тарғибот ишларини амалга оширишмоқдалар.

Натижада миллий урф-одатларимизга, қадриятларимизга ҳос равишда оилавий қелишмовчиликларни маҳалла доирасида, кўпни кўрган кексалар, фаоллар ёрдамида ҳеч кимга овоза қилмай, ортиқча расмийчиликка йўл қўймай ҳал этиш — ярашув жараёнларини маҳаллаларда амалга ошириш орқали жамият ҳаётининг устуни бўлган оилани мустақамлашнинг азалли одатлари қайта тикланди.

Оила мустақамлигини таъминлашда республикамиз бўйлаб олиб борилаётган турли тарғибот ишларининг роли беқиёсдир. Айниқса, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Сиз оила қуришга тайёрмисиз?", "Намунали ёш оила" кўрик-танловлари шулар жумласидандир.

2011 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар Оила маросимлари маркази қошида ҳам **"Оила — Муқаддас Ватан"** ёш оила қурувчилари мактаби фаолият олиб бормоқда.

Мазкур мактабда тиббий кўрик, оила қуриш, уни мустақамловчи омиллар, ота-оналик масъулияти, фарзанд тарбияси каби ҳаётини масалалар бўйича билим берилмоқда.

Ёш оила қурувчилар мактаби Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, туман прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, туманлараро фуқаролик суди, тиббий ҳудудий бирлашмаси, республика ва туман "Оила" марказлари, "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи мажмурияти, диний идоралар ҳамда бошқа ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Оила қурувчи ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш, ёшларда ажодларимиз меросига ҳурмат, ватанга садоқат, истиқлолга фидойилик туйғуларини тарқиб топтириш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни, оиланинг муқаддаслигини тушунириш, оила қонунчилиги, тиббий кўрикнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ҳар томонлама етук ва баркамол фарзанд тарбияси асослари билан таништириш, бўлажақ ота-оналарни тарбиялаш мактаб фаолиятининг асосий мақсадидир.

Мактаб тингловчилари асосан коллеж талабалари ва Оила маросимлари марказига ариза берган никоҳланувчи ёшлардан иборат.

Мактаб жамоатчилиги асосида фаолият юритиб, машғулотларда фаол қатнашган мутахассислар, ташкилотчи ва тингловчилар шаҳар адлия бошқармаси ҳамда "Қамолот" ЁИХ шаҳар Кенгаши, ҳомийларнинг "Фахрий ёрлик"лари, "Ташаккурнома" ва эсдалик совғалари билан тақдирланган.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш жорий этилганлиги ва бошқа чора-тадбирлар натижасида туғма ва ирсий касалликлар билан туғилмаган болалар сони қарийб икки баробарга камайди.

Мустақиллигининг илк ёш оила қурувчилари бугун ўсиб-унди, 1991 йилда туғилган бола 20 ёшга тўлди. У мутлақо янги, соғлом муҳитда қамол топти ва янги авлодни юзага келтирмоқда. Бу эса мустақиллигимиз абадийлигининг муҳим гаровидир.

Ўқтамхон ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар Оила маросимлари
Маркази директори

ИНСОН ҲАҚИДА, унинг манфаатлари ва эҳтиёжи ҳақида гомхўрлик қилган жамият гуллаб-яшнайдми, қалажакка даядил боқадми, халқаро майдонда ҳам обрўси ошадми. Демократик принципларни жамият ҳаётига сингдириб бораётган, инсон қадр-қиммати ва шаъни улуғланаётган республикамизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эътироф этилибгина қолмасдан, балки ана шу ҳуқуқларни кишилар онига сингдириш, уларни жамият қонун ва қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялашга ҳам эътибор ортди.

ЎЗБЕКИСТОН XXI асрда ўз эрки, ҳурлигини қўлга кири-тиб, ислохотлар, туб ўзга-ришлар жамиятни янгилаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзи танлаб олган йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Халқимиз учун мустақиллигининг ўтган йиллари сермизмун воқеаларга бой бўлиб, авваламбор, бу давр мобайнида миллий давлатчилигимизнинг пойдеворини мустақамлаш билан узвий боғлиқ саъй-ҳаракатлар амалга оши-

лигини ифодаловчи **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармонида имзо чекди. Мазкур қадам Ўзбекистоннинг ўзига олган халқаро ҳуқуқий мажбуриятлари оғишмай бажариш тарафдори эканлигининг ҳақиқий исботи бўлди.

Инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликни яратиш — бу нафақат ўтмиш даврининг мажбурий шарт, балки демократик ҳуқуқий давлатнинг

оғишмай риоя қилиб, оқилона, мулоҳазали, вазмин, прагматик ва олдиндан кўра билишлиги билан ажралиб турадиган ташқи сиёсат доктринасини амалга оширмоқда. Бу қоидаларни амалга оширишда Ўзбекистон халқлари ва бошқа давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва шерикчилик етакчи роль ўйнайди. Бундай оқилона сиёсат яқинда Қирғизистоннинг жанубида юз берган фожиали воқеаларнинг минтақамиз барқарорлиги ва хавфсизлигига путур етказишга, раҳна ва ишонсизлиқ муҳитини вужудга келишига йўл қўймади.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий негизи шаклланди. Халқимиз манфаатлари, истиқболли тараққиётимизга

Истиқлол берган имконият

Инсон қадри улуғланаётган юрт

халқаро ҳамжамиятда тобора

нуфузи ошмоқда

рилди. Жумладан, ўзида юксак инсонпарварлик ғояларни мужассамлаштирган Конституциямиз эндиликда ҳаётимизда дастуриямалига айланди.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи юздан ортқ янги қонунлар қабул қилиниб, кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар яратилди ва йилдан-йилга давлатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортқ халқаро шартномаларга қўшилди, БМТ ва ЕХҲТ доирасида қабул қилинган, муҳим халқаро шартномаларни амалга ошириш зарурлиги юзасидан келиб чиқадиган ишларни рўйбга чиқармоқда.

Мустақиллик йилларида, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг таъсирчан механизми яратилди ва доимий ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг қонунчилик билан мустақамлаштириш конституциявий қонунлар, 15 та кодекс ва тўғридан-тўғри таъсир этувчи қонунларнинг бутун бир мажмуаси ёрдамида амалга оширилди.

2005 йилнинг 8 августидан Ўзбекистон Республикаси Президентини мамлакатда амалга оширилаётган кенг миқёсли суд-ҳуқуқ ислохотини янги босқичга ўтган-

аҳамиятли чет эл сармояларини жалб қилиш, фуқароларнинг тадбиркорликлари учун муҳим иқтисодий механизмлар яратилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар одамларнинг яшаш шароитлари ва турмуш тарзини қайта қуришга йўналтирилган бўлиб, у аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш асосида рўйбга оширилмоқда. Жум-

ладан, жамиятнинг кескин табақаланишига барҳам бериш ва одамлар ўртасида ижтимоий тенглик қарор топишига қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу эса Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Бу соҳадаги асосий вазифалар инсонларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш тарзини оқилона йўлга қўйиш, оилага, она ва болага, ногиронлар ва қари-яларга қўям бериш ҳамда пенсия ва нафақа билан таъминлашга қаратилгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Эндиликда республикамизда инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи бир неча ташкилот ва муассаса фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, 1995 йилда Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқлари бўйича вақили иш бошлади. 1996

йилда Олий Мажлис ҳузуридаги (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги) Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, шу йили Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази, 1997 йилда "Ижтимоий фикр" маркази ташкил қилинди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича янги тузилмаларни тузишнинг зарурлиги бир қатор омиллар — фуқаролик жамиятини қуриш, демократик ислохотларни қучураштириш, жаҳон тажрибасида тўпланган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалий чораларини жорий қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ташкилотларда иштирок этиши билан боғлиқ талаблардан иборат эди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ислохотлар барча давлат институтларини қамраб олмоғи лозим. Фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг ошганлиги уларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини турли ҳуқуқий шакллардан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилишида ҳам кўринади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлаб, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг қуйидаги бешта принципини кўрсатиб берди:

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизминини яратиш;

— инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига асосида такомиллаштириш;

— қонунларга оғишмай амал қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

— суд ислохотларини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

— аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Мазкур беш принцип мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқлари ҳимояси амалда барча соҳаларга, нафақат давлат фаолиятининг, балки ҳозирги замон жамиятининг ҳам турли соҳаларига алоқадордир.

**Омонулла
МУҲАММАДЖОНОВ,
ТДЮИ проректори,
юридик фанлари
доктори**

Барҳаёт булоқлар

Чўққидаги илм ёғдуси

МАМЛАКАТИ-МИЗДА миллий ҳуқуқ соҳасини, хусусан экология ва қишлоқ ҳўжалик ҳуқуқини, табиий ресурслар ҳуқуқининг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етук ҳуқуқшунос-олим Ўзбек Бозоров 1941 йил 20 августда Қашқадарё вилоятининг Бишкент қишлоғида таваллуд топди.



ДАСТЛАБКИ сабогини меҳрибон ота-оналардан ўрганган Ў.Бозоров 1947 йил туғилган жойидаги мактабга қабул қилиниб, 1958 йилда тамомлаган. У ўз меҳнат фаолиятини Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 154-сонли "Қурилиш трести"да ишчи бўлиб бошлаган. 1959 йили Темир йўл билим юртига ўқишга кириб, мазкур ўқув юртини 1961 йили имтиёзли тамомлаган ва "Тошкент Темир йўл Трести"га 2-даражали уста бўлиб ишга кирган. Ҳарбий хизматдан қайтган, ўз фаолиятини ҳуқуқшунослик соҳасига бағишлаш мақсадида 1964 йили Ўзбекистон Миллий университетини (аввалги Тошкент давлат университети) ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Ўқиниши тамомлаган, ҳуқуқ соҳаси вақили сифатида меҳнат фаолиятини 1969 йили Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри прокуратурасининг иш ўрганувчиси ва шу йили Фанлар Академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида Колхоз ва ер ҳуқуқи муаммолари бўлими кичик мутахассиси бўлиб ишлаш бошлади. Ўзини илмга бағишлаш йўлида 1971-1974 йилларда Фанлар Академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти аспирантурасига ўқишга кирди.

Устоз 1974 йилда номзодлик диссертациясини Москва шаҳрида Давлат ва ҳуқуқ институтида муваффақиятли ҳимоя қилган. 1974-1975 йилларда Фанлар Академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоа ҳўжалиги, ер, сув ҳўқуқи ва табиат муҳофазаси муаммолари секторининг кичик, катта илмий ходими, 1975-1978 йилларда Тошкент давлат университети Давлат ҳўқуқи ва қурилиш кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1978-1979 йилларда Тошкент Давлат университети "Жамоа ҳўжалиги ва ер ҳўқуқи" кафедраси доценти, 1979-1985 йилларда Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг кўнрағи ва кенчи бўлими декани муовини лавозимларида ишлаб келган.

Ўзбек Бозоров 1981-1985 йилларда Тошкент Давлат университети "Жамоа ҳўжалиги ва ер ҳўқуқи" кафедраси мудири, 1986-1994 йилларда Тошкент давлат юридик институти "Экология ва қишлоқ ҳўжалик ҳўқуқи" кафедраси мудири лавозимларида фаолият юритган.

1995-1999 йилларда Тошкент давлат юридик институтининг Давлат қурилиш ва бошқаруви (ҳозирги 1-ҳўқуқ) факультетини декан лавозимларида фаолият юритди. У.Бозоров 1999-2000 йилларда Ҳўқуқий маърифат тарғиботи маркази директори вазифасида ишлайди. 2000 йилдан эса ҳозирга қадар илмий-педагогик фаолият билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси сифатида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. У ўз фаолияти давомида республикамизнинг турли жўрналлари ва оммавий ахборот воситаларида 100 дан ортқ илмий ишларини эълон қилган, бундан ташқари бир неча илмий ишлари чет давлатларда ҳам чоп этилган. Хўссани, "Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалик қонунчилиги" (1995), "Ўзбекистонда биологик ҳимла-ҳафийни сақлаш (Миллий дастур)" (1998) каби монографиялари шулар жумласидандир.

Ў.Бозоровнинг қавтарона меҳнати Президентимиз ва ҳўқуқатимиз томонидан алоҳида баҳо-лашиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 ноябрь ПФ-3354-сонли Фармонида мувофиқ "Биринчи малака даражали судья" махсус унвони берилган. Шунингдек шу йили "Шўхрат" медаллари ва 2006 йилда "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил" эс-далик нишони билан мукофотланган.

Устоз республикамизнинг етук кадр, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш билан бир қаторда бақалаврият ва магистратура босқичи бўйича чоп этилган "Экология ҳўқуқи", "Ер ҳўқуқи", "Қишлоқ ҳўжалик ҳўқуқи", "Сув ҳўқуқи", "Урмон ҳўқуқи" ва бошқа бир қатор дарсликларда ҳаммуаллифдир.

Олим ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси Ўзбек Бозоров айнан Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида 70 ёши қарши олмақда. Унинг шу ёшда фаолият юритиб, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамият қуриш, суд-ҳўқуқ тизимини ислох қилиш, аҳоли ва ёшларнинг ҳўқуқий маданиятини юксалтириш, ёш ҳўқуқшунос кадрларни тайёрлашдаги самарали меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Айниқса, устознинг "Экология ва қишлоқ ҳўжалик ҳўқуқи" кафедрасидаги фаолияти бугунги кунда барча ёшларга сабоқ бўлмоқда.

Тошкент давлат юридик институти маъмурияти ва кафедра аъзолари табарруқ устоз, тажрибали олим Ўзбек Бозоровга соғлиқ-саломатлик, ўзқўмр, ишларига улкан зафарлар, ёш кадрларни тайёрлашда муваффақиятлар тилаб қолади.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,
Тошкент давлат юридик институти
"Экология ва қишлоқ ҳўжалик ҳўқуқи"
кафедраси мудири, юридик фанлар
доктори, профессор

Алоҳида эътиборда

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ та-шаббуси билан М.Ломоносов номидаги Москва давлат уни-верситетининг Тошкент филиали анжуманлар залида бўлиб ўтган "Тадбиркор тараққиёти — Ватан тараққиёти" мавзусидаги тадбирда Ад-лия вазирлиги, Тошкент ша-ҳар адлия бошқармасининг масъул ходимлари, ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи идоралар, тижорат банклари, вақилла-ри, тадбиркорлар, ФХДЁ му-дирлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва масла-ҳатчилари ҳамда ОАВ вақил-лари иштирок этишди.

Семинарда таъкидлангани-дек, жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик йили" деб номланиши ва

бу борада алоҳида Давлат дастурининг қабул қилиниши мамлакатимизда тадбиркор-ларнинг эркин фаолият юри-тишлари учун яратилган шарт-шароитларни янги си-фат босқичига кўтарди.

Тадбирда адлия органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга қўмақла-шиш, тадбиркорлик субъ-

ектлари ва хусусий мулк эга-ларининг ҳуқуқлари ва қону-ний манфаатлари ҳимоя қили-нишини таъминлаш мақсади-да ҳуқуқий таъминот самара-дорлигини оширишга ва тад-биркорликни ривожлантириш-га қаратилган комплекс таш-килий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оши-рилаётганлиги алоҳида эъти-роф этилди.

Гўлсумхон ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун"
муҳбири

Имло қоидалари

Унга қай даражада амал қиламиз?

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида "Ўзбекистон Рес-публикаси маҳаллий бошқарув органлари томонидан қонун ҳўж-жатларини амалга таътиқ этиш юзасидан ишлаб чиқарилаётган қўзақларда имло қоидаларига амал қилинишининг долзарбли-

ги" мавзусида давра суҳбати ўтка-зилди. Унда адлия бошқармаси-нинг масъул ходимлари, нотари-ат ва ФХДЁ бўлиmlари ҳамда юридик хизмат ходимлари иш-тирок этди.

Тадбирда "Ҳўжатлар билан ишлашда имло қоидаларига

амал қилишнинг аҳамияти", "Ҳўжатларни иш юритиш ама-лиётига таътиқ этишда имло қоидаларига оид муаммолар" номили маърузалар қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Давра суҳбати якунида ишти-рокчилар иш юритиш жараёни-да имло қоидаларига амал қилишга доир саволларга тўлиқ жаваблар олдилар.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,
Қашқадарё вилояти адлия
бошқармаси
масъул ходими

4

Таҳлил ва талқин

Суғурта нега керак?

Тадбиркорлик фаолиятида бунга зарурат борми?

МАМЛАКАТИМИЗДА оқилона ва бошқича-бошқича амалга оширилган кенг қўламдаги сиёсий ва иқтисодий ислохотлар натижасида кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 52,5 фоиздан ошди. Бироқ, Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу борада эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш ҳолатига тушмаслигимиз лозим. Аксинча, мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлигига янада кўпроқ ҳисса қўиши ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.



ОДАТДА тадбиркор ҳар доим амалга ошираётган фаолиятини вужудга келиши мумкин бўлган турли хавф-хатарлардан сақлаш, унинг зарарли оқибатларидан ҳимоя қилиш ёки уларни имкон даражада камайтириш ҳолатлари излашга ҳаракат қилади. Бу юқори сифатга эга бўлган замонавий суғурта хизматлари орқали таъминлашни мумкин. Айнан суғурта муносабатлари жамиятда жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бўлиб, хавф-хатарларнинг олдини олиш, келиб чиққан зарарларни қоплашда катта кўмак беради. Шунингдек, суғурта муносабатларининг ривожланганлик даражаси мамлакатнинг молиявий барқарорлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кенг имкониятлар эшигининг очилиши тадбиркорлар олдида вужудга келиши мумкин бўлган хавфларини суғурта қилишининг самарали ҳуқуқий механизмининг яратилиши талаб қилмоқда. Тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш хизматидан

ривожланган мамлакатларда кенг фойдаланилмоқда. Ушбу суғурта хизмати тадбиркорлар фаолиятини хавфсиз фаолиятга айлантириш орқали мамлакатлар иқтисодий ислохотларини амалга оширишда бизнинг асосий устувор йўналишимиз бундан буён ҳам бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қўлай шароитларни яратишдан иборатлиги, ушбу принциплар вазифаларни амалга оширишда асосий устувор вазифалардан бири сифатида бизнеснинг муваффақиятли институти бўлган суғуртанинг замонавий шакллари ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантириш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталганди. Шунингдек, суғурта институтларини ривожлантириш учун юртимизда тегишли ҳуқуқий асос яратилганлиги, аммо бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда

сусткашлик ва юзаки қарашларга йўл қўйилаётганлигини, суғурталаш соҳасидаги ишлар мутлақо қоникарсиз аҳволда эканлигини, мамлакатимиз суғурта компаниялари, маблағи ва тажрибаси етишмаслиги туфайли ҳозирги вақтда тижорат шартномаларининг аксарият турларини суғуртавий таъминлаш, жумладан, экспорт кредитларини кафолатлаш имконига эга эмаслигини танқид қилганди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек, суғурталашни тартибга солиш усуллари тақомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 10 апрелда «**Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**»-ги Қарорининг қабул қилиниши суғурта бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, тадбиркорлик соҳасида юзага келадиган хавфни суғурта қилиш муаммоларини ривожланган мамлакатларнинг бу борада синалган тажрибаларидан кенг фойдаланган ҳолда бартараф этиш, суғурта хизматларининг рақобат бозорини шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини оширишда уларни фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш ва хавфсиз фаолият турларидан бирига айлантириш имконини беради.

Бекзод ОРТИҚОВ,
Анджон вилояти
адлия бошқармаси
бошлигининг
ўринбосари

“ОҲАНГАРОН АНҲОР” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



мамлакатимиз аҳолисини озодлик ва ҳурлик айёми —
Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан самимий қутлайди!
Азиз юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий
хотиржамлик, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш
йўлидаги фидокорона меҳнатларида ғайрат ва шижоат
ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилайди.

“ПСКЕНТ ДЕҲҚОН БОЗОРИ”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз Мустақиллигининг
20 йиллик шодиёнаси
билан Ўзбекистон
халқини ва юртимизга
ташриф буюрган
меҳмонларни самимий
муборакбод этади!

Файзли

хонадонларингиздан

тўкин-сочинлик,

шодлигу

осойишталик, қут-барака
аримасин!

САМАРҚАНД
ШАҲРИДАГИ
“СОГДИАНА-
ФАРМ” ХУСУСИЙ
КОРХОНАСИ

озодлик ва ҳуррият
байрами билан
мамлакатимиз халқини
чин дилдан муборакбод
этади!

Ушбу байрам барчамизга
шоду ҳуррамлик,
бағрикенглик ато этсин.
Ҳар жабҳада қўлга
киритаётган ютуқларимиз
бардавом бўлсин.


САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ “ХУМОЗАР-ФАРМ НУР”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг 20 йиллик
муборак тўйи билан қизғин
табриклайгу!

Халқимиз боши узра нурафшон
қунлар бардавом бўлсин.

Дастурхонимизни қут-барака,
хонадонимизни файзу тароват
тарқ этмасин.

Истиқлол байрами ҳамиша
барчамизга ҳамроҳ бўлсин,
азиз ватандошлар!



зиммида ишлаган Ж. Камолитдинов, Ховос ҳарбий-лаштирилган қўриқлаш командасида ўқи лавозимида ишлаган Ш.Холматовлар бирикди. Шундай қилиб, учлик шаклидаги жиноий уюшма юзага келди ва улар жиноий фаолияти 2009 йил ёз ойларидан 2010 йил 6 декабрда, яъни қўлга олингунга қадар давом этди.

Тергов-суриштирув жараёнларида аниқланишича, жиноий уюшма дастлаб, яъни 2009 йил ёзида 7

«УЧЛИК»

ҳаракатланаётган юк поездлари
ҳажмдаги тайёр маҳсулот — пўлат
берилгани ҳусусида

тонна-ю 240 кило қора металл парчаларини ўмарган. Уларнинг ҳар қилосини 130 сўмдан жами 1 миллион 277 минг 136 сўмга пуллаиди. Ва бу пуллар гуруҳ аъзолари орасида тақсимланади. Кейинги режа 2010 йил 30 май кунига белгиланади ва шу кунни жиноий уюшма 3452-сонли юк поезди таркибидеги 5554150-рақамли вагондан 9,55 тонна металл парчаларини ўмаришга эришади. «Ўлжа»нинг ҳар қилоси яна 130 сўмдан пулланади ва 1 миллион 678 минг 890 сўмлик «даромад»га эга бўлишади. 8 июнь кунини эса жиноий уюшма яна ўзаро келишган ҳолда навбатдаги «рейд» тадбирини ўтказишади. Бу гал ҳам 3452-рақамли поезд таркибидеги 33732077-сонли вагондан оз эмас, кўп эмас — ролпа-росса 10,8 тонналик темир парчаларини туширишга ва йўл-йўлакка йиғиб олишга эришади. Бу билан улар 1 миллион 898 минг 640 сўмлик маблағга эга бўладилар ва бу маблағ «рейд» иш-

5

тирокчилари ўртасида ҳар қилосини даражасига қараб тақсимланади. Кейинги «ов» 7 июль кунини амалга оширилади. 3452-сонли поезд манзилга етиб борганида унинг 60958378-рақамли вагонидан 8,7 тонна юк кам чиқишида айнан мазкур жиноий уюшманинг ҳиссаси бор эди. Ўмарилган металл парчалари бу гал уларга 1 миллион 529 минг 460 сўмлик «даромад» келтирилади. 27 сентябрь кунини сазъ-ҳаракат ҳам улар учун бароридан келди. Поезднинг 67650903-рақамли вагонидан 5,4 тонна — 949 минг 320 сўмлик хомашё гўмдон қилинади. Бу гал «даромад»нинг чўғи сал камлиги боис шу ойнинг ўзида, аниқроғи, 29 сентябрда яна ўзлари суйган «ош»ни «ейишга» киришади. Қисқаси, шу кунини 63273411-рақамли вагондан 6,78 тонна (1 миллион 191 минг 924 сўмлик), 14 октябрда эса 65220840-рақамли вагондан 2,9 тонна (509 минг 820 сўмлик), бу гал ҳам «ов» бароридан келмагани, аниқроғи, «ўлжа» камлиги боис 25 октябрда яна «рейд»га чиқиб, 96290424-рақамли вагондан 7,55 тонна (1 миллион 327 минг 290 сўмлик), 26 ноябрь кунини 67649079-рақамли вагондан 10,2 тонна (1 миллион 793 минг 160 сўмлик) металл ўмаришади.

Ўғрилиқда тобора катта тажриба орттириб бораётган жиноий уюшманинг нафси ўпқондек очилиб бораётган бўлишига қарамай, улар эҳтиёткорликни унутмасди. Энг қўлай пайтни пойлашарди. Бундай пайт келишини сабр-тоқат билан кутишни ҳам жойига қўйишарди. Айнан қўлай вақт келганини эса уларга жиноий уюшманинг иккинчи ва учинчи гуруҳи аъзолари айтишарди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъул ходимлари, яъни масъул мансабдор шахслар бўла туриб, хизмат вазифаларига қўра, хизмат ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш, юк вагонларидаги товар-моддий бойликларни қўриқлаш, талон-торож қилишининг олдини олиш, Бекобод темир йўл бекатида келган вагонлардаги металл парчаларини «Ўзметкомбинат» ОАЖга ва металл комбинат-

6

дан чиқайтган юк вагонларини Бекобод бекатига ҳақ қўзатиб бориш, вагон қабул қилувчиларга топшириш ва бошқа масъулиятли вазифалар юклатилган бўлишига қарамай, улар тантанали қасамёд билан қабул қилган Ватан олдидаги бурчларини бир четга суриб, яъни ўз касбига хиёнат қилиб, жиноят қўчасига кирган ўғриларга шерик бўлдилар. Улар жиноий гуруҳлар билан олдиндан ўзаро тил бириктириб, келишувга қўра, хизмат ҳудудидаги темир йўл вагонларидан пўлат шарлар ва қора металл парчаларини ўғрилаш билан шуғулланадиган шахсларни аниқлаб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрмаслик, бирон-бир ҳужжат бўлмагани, уларнинг жиноий ҳаракатларига қаршилик қилмаслик эвазига улардан вақти-вақти билан пул олиб турган. Бу ҳақ эвазига жиноий фаолиятга барқарор, хавфсиз ва қўлай шароит яратиш учун юк вагонларининг келиш-кейтиш вақти, вагонларнинг жойлашиш ўрни, ўғрилиқ содир этиш учун ён-атрофдаги қўлай вазият ҳақида ва бошқа зарур маълумотларни уяли телефон орқали хабар бериб туришган.



7

Аммо жиноий уюшма вақиллари «шоҳида» юришга қанчалик уринмасин, «баргида» юривчилар ҳам борлигини унутишганди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўз бурчи, шунингдек, Ватан олдидаги садоқатини ҳар он намоён қила оладиган ватанпарвар ўғлонлари уларнинг қилмишига нуқта қўйди. Жиноий уюшмани жиноят устида қўлга олиш чоғида воқеа жойидан 2 тонна-ю 170 килолик (1 миллион 749 минг 888 сўмлик) пўлат шарлар ва 7 тонна-ю 240 килолик (1 миллион 277 минг 136 сўмлик) қора металл парчалари топилиб, далилий ашё сифатида олинди.

Умуман, бу жиноий уюшма ўз фаолияти давомида жами 69 тонна-ю 120 кило қора металл парчалари (улар савдосидан тушган пуллар жами 13 миллион 905 минг 708 сўмга тенг бўлган) ва 2 тонна-ю 170 килога тенг 1112 дона ҳар хил ҳажмдаги пўлат шарларни (катта ҳажмли пўлат шарларнинг бир донасини 1 минг 200 сўмдан, кичигини эса 130 сўмдан пуллашган) ўғрилаб, Бекобод шаҳридаги 9-автобазага олиб бориб, дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган «Алижон» исмли шахсга ва Ширин шаҳридаги қурилиш корхонасида корейс миллатига мансуб фуқарога, пўлат шарларни эса Бекобод туманида яшовчи терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган «Юсуф» исмли шахсга ва бошқа фуқароларга сотган. Бу қилмишлари билан улар «Ўзбекистон металлургия комбинати» ОАЖ манфаатларига 12 миллион 155 минг 820 сўм, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК манфаатларига эса жами 1 миллион 749 минг 888 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди жорий йилнинг май ойида ушбу жиноят иши юзасидан ўз ҳукмининг ўқиди. Унга қўра, жиноятчилар қилмишларига яраша жазосини олдилар. Зеро, қонунни алдайман, қонунга чап бераман деганлар хато қилишади. Жиноят эса жазосиз қолмайди.

8

Алимбек ТОШБЕК

Дунёга танитган Қомус

Конституциямиз
саналади

БУГУНГИ КУНДА мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, Конституцияга доир билимларини янада мустаҳкамлаш ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқувчи ва талаба ёшлар иштирокида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар ва конференциялар ўтказиб келинмоқда, илмий мақолалар, дарслик ва қўлланмалар нашр этилмоқда.

БОШ Қомусимизда фуқароларнинг, жумладан, ёшларимизнинг ҳам мажбуриятлари ва бурчлари билан биргаликда шахсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар" деб номланган бобида, шахсни ҳимоя қилиш, унинг ҳаётини ижтимоий ҳаётга таъсирлардан муҳофаза қилиш ҳар бир демократик давлатнинг асосий вазифаларидан эканлиги таъкидланган. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсон ҳаётининг мазмуни бўлиб, кишининг жамиятдаги турмуши, яшаш тарзи ва фаолият кўрсатиш асосларини ифодалайди.

Шунингдек, Бош Қомусимизнинг "Сиёсий ҳуқуқлар" деб номланган бобида фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ифодасини акс эттиради. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар сиёсий манфаатларга тегишли бўлган ҳамда шахснинг сиёсий жараён ва давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш имкониятларини ифодалайди.

"Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар" деб номланган бобида ҳар бир мамлакатда шахснинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг жамиятдаги эркин яшашини таъминлаш мақсадида мустаҳкамланганлиги белгиланган. Бу эса бевосита фуқароларнинг моддий манфаатларини ҳимоялаш ва уларни таъминлаш билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда ёшларга ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги ифодаси сифатида Конституциямизнинг 18-моддасига мувофиқ Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақоидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Бу конституциявий қоида, табиийки, ёшларга ҳам бирдек тааллуқлидир. Шунингдек, Конституциянинг Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари тўғрисидаги барча қоидалар (24-52-моддалар) ёшларга ҳам тегишлидир. Ёшлар касб-хунар танлашда, меҳнат қилишда, билим олишда, дам олишда, иш ҳақи олишда, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда конституциявий ҳуқуқ ва кафолатлардан тенг фойдаланадилар.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, Конституциямизда ва амалдаги қонунчилигимизда ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишнинг мустаҳкам кафолатлари яратилган. Мамлакатимизда ёшлар манфаати йўлида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ишлар, шунингдек, қонунчилигимиздаги имтиёз ҳамда кафолатлар ёш авлодининг жамиятимизда муносиб ўрин топишига қўмаклашиши шубҳасиз.

Иброҳим КЕНЖАЕВ,
Жиззах вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими


"УНИВЕРСАЛ СУҒУРТА" ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ




Барча юртдошларимизни энг қутлуғ
байрам — Истиқлолимизнинг 20 йиллик
шодиёнаси билан қизгин табриклайди!
Халқимиз хонадонига қут-барака,
тинчилик-хотиржамлик тилайди.
Истиқлол байрами яна бир бор
муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

"ШАРҚ БАРАКА БЎКА" КЎП ТАРМОҚЛИ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

азиз Ватандошларимизни энг улуг, энг
азиз байрам — мамлакатимиз
Мустақиллигининг 20 йиллиги билан
самимий қутлайди!
Бағри кенг ва бунёдкор халқимизга
саломатлик, бахт, шодлик,
муваффақиятлар доимо ёр бўлишини
тилайди!





ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT "САВДОГАРБАНК"НИНГ БЎКА ТУМАНИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

барчангизни республикамиз Мустақиллигининг
йигирма йиллиги байрами билан чин дилдан табриклайди!
Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровон ҳаёт тилайди.
Биз доимо тадбиркорларимизга қанот бўлишга тайёرمىз.
Уларнинг фаолиятини доимо қўллаб-қувватлаймиз.

"ЎЗТРАНСГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ МАРКАЗГАЗТАЎМИНОТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

энг улуг ва энг азиз байрамимиз —
Мустақиллигининг 20 йиллик тўйи
муносабати билан барча юртдошларимизни
қизгин муборакбод этади!
Мамлакатимиз ҳар жабҳада ривож топиб,
янада улкан бунёдкорлик ишлари амалга
оширилишига тилакдошимиз.
Доимо осмонимиз мусоффо, юртимизнинг
кечагаги буюк ва порлоқ бўлсин,
азиз ватандошлар!

ПСКЕНТ ТУМАНИ "БОБУР" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳли ва
меҳмонларини энг
улуг байрам —
Мустақиллигининг
20 йиллиги билан
самимий табриклайди!
Юртимиз гуллаб-яшнаши
йўлида хизмат
қилаётган ишлаб
чиқарувчи
корхоналарнинг ишларига
омад ёр бўлсин.
Барчангизни байрам руҳи
ҳеч қачон тарк
этмасин.



БЎКА ТУМАНИ "ИСТИҚЛОЛ ДЕҲҚОН БОЗОРИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳлини озодлик ва ҳурлик айёми —
Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги билан самимий қутлайди!
Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги
фидокорона меҳнатингизда ғайрат-шижоат
ва омад ҳамроҳ бўлишини тилайди.



Мезон

Васият

Ва... ваъда

хонадонда ўзаро
ишончга дарз етса...

БИР ОИЛА аъло-
ри ўртасида ўзаро
ишонч бўлгани яхши,
деймиз. Баъзан мол-
мулк, мерос масала-
сида шу ишончнинг
ўзи кифоя қилмай
қолади.

...КЕЛИННИНГ
"Отангиз ҳаётигида
уй-жойни ўз номин-
гизга расмийлашти-
райлик", деган қисто-
ви билан ўғил отасига
катта ваъдалар
бериб, уни аврарди.
Қизларим уйли-
жойли, мерос талаш-
майди, фақат кенжа
қизимнинг турмуши
бўлмади-да, деб
ўйлаган отаси:

— Уйни сenga
қолдирсам, шу синг-
лингни кўчада қолди-
риб қўймайсанми,
ёлғиз боласи билан
қаёққа боради? —
деди ўғлига.

— Катта фарзанд
бўлгани учун сингил-
ларига бош бўлиб
қараб юради-да.
Биттагина ўғлингиз,
чироғингизни ёқадиган
шунинг, ота, деб
гапга аралашди келин
ҳам.

"Кўнглингиз тўқ
бўлсин, синглимиз
биз билан бемалол
яшайверди", деб
ваъда беришган,
отаси кўнди. Ховли-
жой катта ўғилга
васият қилинди. Уч-
тўрт йилдан сўнг ота-
она вафот этди.

Орадан беш-олти
йил ўтган, ёлгон
ваъдалар унутилган,
ўғлини уйлантириши
сабабли синглисига
аллақачон уйдан чиқиб
кейтиши лозимлиги
айтилган эди. Кели-
нойиси эса "Бу уй
қонунан акангизники,
унда ҳеч кимнинг
ҳаққи йўқ", деб писан-
да қиларди. Хонадон-
да ўзаро меҳр-оқибат
йўқлиги аён бўлиб
қолса, шунда ўз
ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш учун қўлида
бор бўлган қайси
ҳужжатлар ёрдам
бериши ҳақида
ўйлайдилар. Сингил
ҳам шу уйда рўйхатда
туришини эслатгани-
да уни қонун ҳимоя
қилишдан кўнгли
анча хотиржам торт-
ди...

Дарҳақиқат, амал-
даги қонунларимизда
уй-жойда яшаш, ўзига
тегишли мулкларни
васият қилиш, мерос
масалалари тўлиқ акс
этган.

"Нотариат тўғри-
сида"ги Қонунга кўра
нотариал идоралар
томонидан расмий-
лаштирилган кўчмас
мулкка оид олди-
сотди, ҳадя, айир-
бошлаш шартномала-
ри турларининг
кўпайгани фуқарола-
римизнинг бу борада-
ги ҳуқуқларини амалга
ошириш имкониятла-
рини янада кенгай-
тирди. Қонунчилиги-
мизда мулк ва мулк
ҳуқуқни вужудга
келтирувчи объект-
лардан бири — мерос
давлат ҳимоясида
эканлиги хусусида
қайд этилган. Бу
меъёрларнинг ҳаётий
ифодаси кишилар-
нинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари-
ни билиши билан
боғлиқ.

Азиза ДЎСТОВА,
Каттақўрғон
шаҳар 3-сон
давлат нотариал
идораси нотариуси

Тарғибот Маънавият кунлари ўтказиляпти

ШУ КУНЛАРДА Қашқадарё вилоятида ҳам Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Мустақиллик байрами муносабати билан вилоят миқёсида “Маънавият 60 кунлиги” тадбирлари ўтказилмоқда.

— МАЪНАВИЯТ кунларини ўтказишдан асосий мақсад аҳолининг кенг қатламлари, хусусан, ёшлар ўртасида истиқлол ғояларини кенг тарғиб этиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш, Президентимиз томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг мазмун-моҳиятини тушунтиришдан иборат, — дейди республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Лола Саодатова. — Маънавият кунларида ёзги таътил даврида болалар оромгоҳларига жалб қилинмаган ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари алоҳида эътибор қаратилади.

Ойдин АНОРОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Фарғона вилоятида

Қўқон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент шаҳрида
Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикасида

Нукус шаҳар 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Элликкальа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чимбой туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Андижон вилоятида

Улугнор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Избоскан туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пахтабод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Асака туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бухоро вилоятида

Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бухоро шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилоятида

Қамаш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қосон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилоятида

Наманган шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилоятида

Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилоятида

Зангиота туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгийул туман 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент шаҳрида

Ҳамза туман 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учтепа туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар



Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабдорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига ўқиш мўйинида ишлаган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича қамиди уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2011 йил 22 сентябрь)
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилхон кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

ОАТБ “ҚИШЛОҚҚУРИЛИШБАНК”НИНГ ҚЎҚОН ШАҲАР ФИЛИАЛИ ВА УНИНГ НАМУНАЛИ МИЖОЗЛАРИДАН БЎЛМИШ “ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ” ОАЖ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ


**Сиз азиз юртдошларимизни ва мамлакатимизга
ташриф буюриб, бугунги хурсандчилигимизга шерик бўлаётган
хорижлик меҳмонларни жонажон Ўзбекистонимиз
Мустақиллигининг 20 йиллиги билан қутлайди!**
Истиқлол қуёши мусаффо осмонимиз узра ҳамиша порлаб тураверсин.



“АГРОБАНК” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ


**барча юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз —
ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ ҳамда қутлуғ
айём — Рамазон ҳайити муносабати билан самимий
муборакбод этади!**

**Тинчлик, фаровонлик, аҳиллик юртимизни ҳеч қачон тарк
этмасин!**



ОАТБ “ҚИШЛОҚҚУРИЛИШБАНК”НИНГ МАРФИЛОН ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этади!**
**Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик
ҳамиша барқарор бўлсин.**



Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 15 июлдаги №192-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳар “HONOUR ATTORNEY” адвокатлик фирмаси адвокати Ханназаров Улугбек Рабитуллоевичга шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 5 июнда берилган ТН №000604 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макрами тугатилди.

Адвокатлар палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2011 йил 25 июлдаги қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 июлдаги №207-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “DIPLOMAT PLUS” адвокатлик бюроси адвокати Урунова Гульбахор Тураевнага 2009 йил 5 июнда берилган ТН №000477 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макрами тугатилди.

Адвокатлар палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2011 йил 25 июлдаги қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 июлдаги №207-ш/т-А-сонли буйруғига асосан адвокат Беканова Азиза Дилшодовнага 2009 йил 8 июнда берилган ТН №000659 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макрами тугатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 27 июлдаги №205-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “RES JUDIKATA” адвокатлик фирмаси адвокати Ибрагимов Навруз Одилжановнага Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 5 июнда берилган ТН №000585 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макрами тугатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 22 июлдаги №197-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “S YAKUBOV VA ADVOKATLAR” адвокатлар ҳайъатининг адвокати Карников Радик Равильевичга 2010 йил 5 майда берилган ТН 001243 сонли адвокат макрами олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макрами тугатилди.

Малака комиссиясининг 2011 йил 25 июлдаги 7-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 июлдаги №207-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “SHAMS TOSHKENT ADVOKATLARI” адвокатлар ҳайъати адвокати Чернов Александр Андреевичга 2009 йил 5 июнда берилган ТН 000434 сонли адвокат макрами олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макрами тугатилди.

Малака комиссиясининг 2011 йил 25 июлдаги 7-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 29 июлдаги №207-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги “LEGAL VALE” адвокатлик бюроси адвокати Алибаев Тўражон Алибаевичга 2009 йил 8 июнда берилган ТН 000700 сонли адвокат макрами олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макрами тугатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 22 июлдаги №196-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Ишметов Жамшид Аминджоновичга 2010 йил 24 июлда берилган ТН №001336 рақамли лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Юнусобод тумани 6-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси Икромжон Исмоиловга отаси **Исроил ИСМОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини, барча тадбиркорларни Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги билан табриклайди!

Шу шодиёна кунларда меҳнатсевар халқимизга сиҳат-саломатлик, оилавий тинчлик, эзгу ва хайрли ишларида омад тилайди.


ОАТ "Туронбанк"нинг Тошкент шаҳрида Чилонзор ҳамда Ҳамза филиаллари ишга туширилди. Шу муносабат билан тадбиркорларимизни ва юртдошларимизни ҳамкорликка таклиф қиламиз. Ушбу филиалларда ҳар бир мижоз юқори сифатли банк хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Мазкур филиаллар зарур ускуналар ва энг янги банк технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун қулай шароитлар яратилган.

Банк Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва минтақаларида 17 та филиал ва 150 дан ортиқ бўлинмаларга эга.

"Ahbor-Reyting" РА "Туронбанк"нинг рейтингини "UzB++" даражасида, "Ижобий" прогнози билан тасдиқлади.

"Туронбанк" Сизнинг яқин ҳамкорингиз!



ЖУДА КАТТА ПАКЕТ!

«Интернет-пакетлар» хизмати

10 000 мегабайтлик энг катта Интернет-пакетни танланг!


Пакет	Трафин ҳажми	Нархи	Активлаштириш учун USSD-команда
«Internet 10 000»	10 000 МБ	\$50	*111*019*8# €

Изоҳлар:

- Интернет-пакетни активлаштирилган вақтдан бошлаб 30 кун ишлатиш мумкин.
- Пакет активлаштирилган кейин ҳисобингизда намида \$1 қолиши керак.
- Агар GPRS хизмати еқилмаган бўлса, унда у автоматик еқилади ва GPRS хизматидан фойдаланганингиз учун абонент тўлови еқилди.



бир қадам олдинда



Хизматлар лицензияланган

Суд департаменти тизимида

тармоқ администратори ва ахборот хавфсизлиги администратори вазифасига

ИШГА КАБУЛ ҚИЛАМИЗ.

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 237-61-81, 237-61-82.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 5 августдаги 175-ум-сонли буйруғига асосан 2009 йил 21 майда берилган ВН 000083-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Бухоро шаҳар "Yuridik Servis" адвокатлик фирмаси адвокати Халимов Баходир Бахшиллоевичнинг адвокатлик лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

Ҳурматли юртдошлар!



**“Асака”
банк (ОАЖ)**

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан табриклайди ва янги, муқддатли омонат туруни таклиф этади.

Хорижий валютадаги омонат:

“ШОДИЁНА”

АҚШ долларида.

Сақланиш муддати — 2 йил. Ҳисобланган фоизлар ҳар йилда ёки омонат ёпилганда берилади.

Филиаллар	коди	телефон рақами
1. Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2. Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3. Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
4. Юнусобод филиали	371	225-16-46
5. Сирғали филиали	371	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8. Асака филиали	374	233-13-69
9. Фарҳод филиали	374	226-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11. Марғилон филиали	373	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	373	432-10-11
13. Қўқон филиали	373	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16. Зарафшон филиали	436	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18. Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20. Афросиёб филиали	366	221-77-56
21. Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
24. Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат туруни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

**Мурожаат учун:
телефонлар:**

**120-39-81, 120-39-60,
120-39-63**

“Асака” банк (ОАЖ)

сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ
1996 йилининг январидан
нашр этилади

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва Ахборот
саноати вазирлиги
0001-руқондан бошлаб
рўйхатга олинган



**Бош
муҳаррир:**
**Кўчкор
НОРҚОБИЛ**

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Мустафаев Бўриғиш Мустафасиёвич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Очилов Алижон Муҳаммадович

Раҳмонова Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тошбекович
Тураев Тўра Эргашевич
Сайдов Шохир Камолович

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тулқун
РАУПОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририйати компьютер базасида
терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет
усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма: j-2487. Тиражи — 14665.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5